



# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ DEPUTATLARI NAMANGAN VILOYATI KENGASHINING QARORI

Namangan sh. Istiqlol ko‘chasi 57.

2022 йил «2» февраль

VI-29-5-6-0-K/22

Наманган вилояти ҳокимлиги

## **Наманган вилояти туманларида юридик шахслар мол-мулк солиғи бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган минимал қийматга камайтирувчи коэффициентларни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 17 декабрдаги 06/04-01-03-32/2778-сон хатига мувофиқ, 2021 йил 24 декабрдаги вилоят молия бош бошқармасининг 01-14/20-02-38/2677-сон ва вилоят Давлат солиқ бошқармасининг 19/10-57696-сон қўшма таклифларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 411 ва 412-моддалари ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддаларига асосан халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 412-моддасига асосан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган бинолар ва иншоотларнинг 1 кв. метр учун мутлақ миқдорида белгиланган минимал қийматдан паст бўлиши мумкин эмаслиги;

жумладан, 1 кв. метр учун мулкнинг минимал қиймати Тошкент шаҳрида – икки миллион беш юз минг сўм, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида – бир миллион беш юз минг сўм ва қолган ҳудудларда – бир миллион сўм миқдорида белгиланганлиги;

минимал қиймат бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ қишлоқ жойларида кескин ошиб кетишини олдини олиш

мақсадида, вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари белгиланган минимал қийматга туманларнинг иқтисодий ривожланишига қараб 0,5 гача бўлган камайтирувчи коэффициент киритиши мумкинлиги назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2022 йилда Наманган вилояти туманларининг иқтисодий ривожланишига қараб кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган бинолар ва иншоотларнинг 1 кв. метр учун мутлақ миқдорда белгиланган юридик шахслар мол-мулк солиғининг Солиқ кодексига белгиланган минимал қийматига нисбатан камайтирувчи коэффициентлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Тиллавоҳдиев), Давлат кадастрлари палатасининг вилоят бошқармаси (Н.Инамов) 2022 йилда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган бинолар ва иншоотларнинг 1 кв. метр учун мутлақ миқдорда белгиланган юридик шахслар мол-мулк солиғининг Солиқ кодексига белгиланган минимал қийматига нисбатан камайтирувчи коэффициентлар тасдиқланганидан келиб чиқиб, вилоятда мавжуд солиқ тўловчиларнинг мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга нисбатан солиқларни тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини таъминласин.

4. Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси (А.Тиллавоҳдиев) ҳудудий солиқ идоралари билан биргаликда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган бинолар ва иншоотларнинг 1 кв. метр учун мутлақ миқдорда белгиланган юридик шахслар мол-мулк солиғининг Солиқ кодексига белгиланган минимал қийматига нисбатан камайтирувчи коэффициентларни барча солиқ тўловчиларга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали ўтказилишини таъминласин.

5. Мазкур қарор “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарида эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

6. Мазкур қарордан норози шахслар юқори турувчи органга ёки судга

мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Юсупов зиммаларига юклансин.

Viloyat hokimi



Sh.Abdurazakov

Халқ депутатлари Наманган  
вилоят Кенгашининг  
2022 йил 2 февралдаги  
VI-29-5-6-0-К/22-сон қарорига  
1-илова

**2022 йилда Наманган вилояти туманларининг иқтисодий  
ривожланишига қараб кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат  
рўйхатидан ўтказувчи органларда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган  
бинолар ва иншоотларнинг 1 кв. метр учун мутлақ миқдорда  
белгиланган юридик шахслар мол-мулк солиғининг Солиқ кодексига  
белгиланган минимал қийматига нисбатан  
КАМАЙТИРУВЧИ КОЭФФИЦИЕНТЛАР**

Т/р	Худуд номи	коэффициент (0,5 гача камайтирувчи)	солиқ ставкаси миқдори (1 кв.метр учун минг сўмда)
1	Мингбулоқ тумани	0,6	600,0
2	Косонсой тумани	0,7	700,0
3	Наманган тумани	0,8	800,0
4	Норин тумани	0,6	600,0
5	Поп тумани	0,8	800,0
6	Тўрақўрғон тумани	0,8	800,0
7	Уйчи тумани	0,8	800,0
8	Учқўрғон тумани	0,8	800,0
9	Чортоқ тумани	0,8	800,0
10	Чуст тумани	0,8	800,0
11	Янгиқўрғон тумани	0,7	700,0